

V. ШАРТНОМА БАЖАРИЛМАГАНДА ЁКИ ЛОЗИМ ДАРАЖАДА ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Иссиклик энергияси билан таъминлашда "Иссиклик таъминоти корхонаси"нинг айби билан танаффуслар юз берган тақдирда "Иссиклик таъминоти корхонаси" иссиқлик таъминотидаги танаффуслар оқибатида "Истеъмолчи"га етказилмаган моддий зарарни қоплайди.

5.2. Иссик сув ҳолидаги иссиқлик энергиясини етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда, "Иссиклик таъминоти корхонаси" "Истеъмолчи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг асосий суммаси етказиб берилмаган иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергияси баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни иссиқлик энергиясини етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озоод этмайди.

5.3. Агар етказиб берилган иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясининг сифати бўйича стандартлар, техник шартлар, қонун ҳужжатларида ёки ҳўжалиқ шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, "Истеъмолчи" иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясини истеъмол қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, "Иссиклик таъминоти корхонаси"дан сифати лозим даражада бўлмаган иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергияси қийматиининг 20 фоизи миқдорда жарима ундириш олишга ҳақлидир.

Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси банк муассасасига иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясининг сифати лозим даражада эмаслиги тўғрисидаги даъватнома тузилгандан кейин ўн кун ичида тақдим этилади. Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси белгиланган ўн кунлик муддатни бузган ҳолда тақдим этилган ҳолларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.4. Етказиб берилган иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергияси ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун "Истеъмолчи" "Иссиклик таъминоти корхонаси"га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.5. Ушбу шартноманинг беқор қилиниши ва амал қилиш муддатиининг тулаши, "Иссиклик таъминоти корхонаси" ва "Истеъмолчи"ни турли қўриқчиликтаги етказилган зарарни қоплаш ва истеъмол қилинган иссиқлик энергияси учун қарзларни тўлаш мажбуриятидан озоод қилмайди.

5.6. Иссиклик истеъмолчи объектларининг иссиқлик тармоқларини ҳолати ва уларга хизмат кўрсатилиши бўйича жавобгарлик чегаралари "Иссиклик таъминоти корхонаси" ва "Истеъмолчи" ўртасида тузилган, иссиқлик тармоқларининг баланса бўйича мансублиги бўлиниши ва уларни эксплуатация қилиш юзасидан жавобгарлиги чегаралари даъватномаси билан белгиланади (1 илова).

5.7. "Иссиклик таъминоти корхонаси" иситиш тизими ёқилганда сув айланishi ва иссиқ сув таъминоти учун тармоқдаги сув узатилишини бир қувурдан бошқасига ўтказилиши билан боғлиқ бўлган ҳолда тармоқ суви ёқилганин (шаффофлиги, ранги, ҳиди) вақтинча бузилганлиги учун жавобгар бўлмайди.

5.8. Иссиклик энергияси тармоқларида ўзбошимчаник билан уланishi ёқуд улардан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарҳда бузиш, иссиқлик энергияси, иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ёқуд бўллай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартриш мақсадида уларга ташқаридан аралашishi Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасига асосан маъмурий жазо қўлланилгандан кейин анча миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 185-моддасига асосан жиноий жавобгарликка тортилади.

VI. ФОРС –МАЖОР

6.1. Томонлар қуйидаги ҳолатларда иссиқ сув ҳолидаги иссиқлик энергиясини етказиб бериш ва истеъмол қилиниши тўхтатиш ёки қамайтиришга ҳақлидирлар ва бунинг учун жавобгарликка тортилмайдилар.

а) "Иссиклик таъминоти корхонаси" усқуналарининг ишдан чиқishiга сабаб бўлган табиий ҳодисалар: момақалдирик, бўрон, сув тошқини, зилзила, ёқини, 48 соатдан ортиқ вақт мобайнида ушбу ҳудудда иситишни лойихалаштириш учун ҳисоблаб чиқилган хароатдан 3°Сга ва ундан ортиқ

паст бўлган хароатда ҳавонинг узок вақт совиб кетиши, бошлангич сув сифатининг ёмонлашиши ҳолатларида.

б) енгриб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари – бу томонларнинг иродаси ва фаолиятларида боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, кургоқчилик ва бошқалар) сабабли юзга келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имқони бермайдиган фақулотда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатларда.

6.2.1. "Иссиклик таъминоти корхонаси" тизимидаги аварияларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ёки одамларнинг ҳаётига таъминотиини таъминлаш ишларини ўтказиш билан боғлиқ кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарур бўлганда "Истеъмолчи" билан келишмасдан ва уни оғохлантирмасдан, бироқ уни дарҳол ҳабардор қилган ҳолда иссиқлик билан таъминлашда танаффусга (узиб қўйишга) ёки чеклашга йўл қўйилади.

6.3. Агар мазкур шартноманинг 6.1-бандида кўрсатилган ҳолатлар томонлар ўз мажбуриятларини амал қилиш муддатларида бевоситга таъсир кўрсатган бўлса, ушбу муддатлар форс-мажор ҳолатларининг амал қилиш вақтига сурилади.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ, МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИЛИШИ ВА УНИ БЕҚОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Мазкур шартнома томонлар имзоланган кундан бошлаб кучга қиради ва 01.01.2022 йилдан, 31.12.2022 йилгача амал қилади.

Амал қилиш муддати туғатишдан олдин, агар тарафларнинг биридан шартномани ўзгартриш тўғрисида ёки беқор қилиш тўғрисида ариза тушмаса, ҳар йили узайтирилган ҳисобланади.

Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади, улардан биттаси "Иссиклик таъминоти корхонаси"да, иккинчиси эса "Истеъмолчи"да сақланади.

VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Келишувга эришиш имқонияти бўлмаган тақдирда, низоли масалалар амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда Тошкент шаҳар туманлараро Иқтисодий ва Фуқаролик суди томонидан ҳал қилинади.

IX. ШАРТНОМАГА ИЛОВАЛАР

9.1. Ушбу шартномага қуйидагилар илова қилинади ва улар шартноманинг ажралмаслик қисми бўлиб ҳисобланади:

а) "Иссиклик таъминоти корхонаси" ва "Истеъмолчи" ўртасида иссиқлик тармоқларининг баланса мансублиги бўйича бўлиниш чегараларини белгилаш даъватномаси (1-илова);

б) "Истеъмолчи"нинг вақолатланган маъсул шахсни тайинлаш тўғрисидаги ишончнома (2-илова);

в) "Истеъмолчи" объектлари ва иссиқлик юқламалари ўрнашган жойлари (дислокацияси) тўғрисидаги маъмулотнома (3-илова);

г) "Истеъмолчи" ташқи иссиқлик таъминотининг принципал схемаси, унда жавобгарлик чегаралари ва ҳисобга олиш асбоблари ўриштирилган жойлар кўрсатилган бўлиши керак.

д) Иситиш учун узатиладиган иссиқлик энергиясининг хароат жаъвали.

* ИЗОҲ: Бюджет таъқиқотлари учун шартноманинг 7.1-банди 1 хат боши қўйидаги тақрирда баён этилиши: "Мазкур Шартнома 20__ йилининг 31 декабринга амал қилади."